

ТЕМУРИЙЛАР ОИЛАСИНИНГ ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Ўлжаева Шоҳистахон Мамажоновна¹, Тошева Гўзал Шербобоевна²
Зулпихарова Эльмира Умирзаковна³

¹тарих фанлари доктори, профессор, ТИҚХММИ МТУ

²Тошкент кимё-технология институти ўқитувчиси

³Тарих фанлари номзоди, ассоциатив профессор, Ахмад Ясавий номидаги қozoқ турк университети.

¹E-mail: uljaevashohistahon@gmail.com

²E-mail: shohi2009@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Темурийлар сулоласи оиласига хос тарихий анъаналар, уларнинг шаклланиши ва замонавий жамиятдаги трансформация жараёнлари илмий таҳлил қилинади. Амир Темур асос солган сулолада оила давлат барқарорлигининг асосий таянчи сифатида қаралган. Никоҳ масаласи, насл-насаб поклиги, фарзанд тарбияси, сулолавий бирдамлик ва ворисларни давлат бошқарувига тайёрлаш муҳим ижтимоий-сиёсий вазифа сифатида баҳоланган. “Темур тузуклари”да оилавий муносабатлар, ахлоқ, интизом ва адолат масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани Темурийлар оиласида маънавий қадриятлар устувор бўлганини кўрсатади.

Калит сўзлар: Темурийлар сулоласи, оилавий анъаналар, Амир Темур, никоҳ сиёсати, маънавият, илм-фан, замонавий жамият, трансформация.

Темурийлар Марказий Осиё ва жаҳон тарихида сиёсий, маданий ва маънавий тараққиётга улкан ҳисса қўшган сулолалардан бири ҳисобланади. Амир Темур асос солган бу сулола нафақат кучли ва марказлашган давлат барпо этди, балки оила, тарбия, маънавият, илм-фан ва давлат бошқарувида оид ўзига хос анъаналарни шакллантирди. Ушбу анъаналар асрлар давомида халқ ҳаётига чуқур сингиб, замонавий жамиятда ҳам турли шаклларда ўз аксини топмоқда.

Темурийлар оиласида давлатчилик ва оилавий қадриятлар масаласини алоҳида мавзуларда ўрганиш бугунги замон оила мактаби ни ривожлантиришда муҳим тарихий тажриба ролини ўтайди.

Шунга кўра, ўзи ҳам ўғилларини уйлантиришда, қизларини турмушга узатишда аجدодларининг никоҳ анъаналарига, падари бузрукворининг насаб дарахтларини тоза ва пок сақлаш керак, деган панду насихатига оғишмай амал қилган.

Амир Темур келин олишни давлат сиёсати билан тенг кўрган. “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насабаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурдим.

Темурийлар даврида оила давлат барқарорлигининг асосий пойдевори сифатида қаралган. Амир Темурнинг сиёсий фаолиятида оилавий муносабатлар, сулолавий бирдамлик ва ворислар тарбияси муҳим аҳамият касб этган. Унинг “Темур тузуклари” асарида оила, фарзанд тарбияси, катта-кичик ўртасидаги муносабатлар, адолат ва интизом масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Темурийлар оиласида сулола аъзолари давлат манфаатларига содиқ бўлиши шарт ҳисобланган. Фарзандлар ёшлигиданоқ келажакда давлат ишларини бошқаришга тайёрланган, уларда жавобгарлик, қатъият ва садоқат каби сифатлар шакллантирилган. Бу эса оиланинг

нафақат шахсий, балки умумдавлат аҳамиятига эга ижтимоий институт сифатида қаралганини кўрсатади.

Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда таълимга эътибор, илм-фанга ҳомийлик давлат сиёсатига айланди. Барча шаҳарларда олий таълим даргоҳлари мадрасалар барпо этилиб, ўз даврининг етук олиму уламолари толиби илмларга дарс беришга жалб этилди. Амир Темур ва темурийлар даври қадим Турон ўлкасида маориф ва таълим тизими, илм-фан юксак ривожланган давр сифатида аҳамиятлидир. Амир Темур олимлар, уламолар ва санъаткорларни ҳимоя қилган, улар учун қулай шароитлар яратган. Бу анъана унинг авлодлари томонидан изчил давом эттирилган.

Мирзо Улуғбек фаолияти бунинг ёрқин мисолидир. У нафақат ҳукмдор, балки жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган астроном ва математик сифатида танилган. Улуғбек расадхонаси ва “Зижи жадиди Кўрагоний” асари Темурийлар оиласида илмга бўлган муносабат қанчалик юксак бўлганини яққол кўрсатади. Фарзандларнинг ҳарбий билимлар билан бирга, дунёвий ва диний илмларни эгаллаши муҳим шарт ҳисобланган.

Темурийлар оиласида маънавият ва ахлоқ масалаларига катта аҳамият берилган. Аждодларга ҳурмат, катталарга эҳтиром, кичикларга ғамхўрлик қилиш оилавий тарбиянинг асосий қоидалари ҳисобланган. Шунингдек, ислом дини талабларига амал қилиш, адолатли бўлиш, инсонпарварлик ва бағрикенглик ғоялари оила ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳам Темурийлар даври учун нисбатан илғор бўлган. Сарой аёллари хайрия ишлари, таълим ва маданият ривожига фаол иштирок этган. Бу эса оилада аёлларга нисбатан ҳурмат ва ишонч мавжуд бўлганини англатади.

Темурийлар сулоласи маданият ва санъат ривожига ҳам катта эътибор қаратган. Оилавий муҳитда адабиёт, меъморчилик, мусиқа ва тасвирий санъат қадрланган. Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг етишиб чиқиши бевосита Темурийлар давридаги маънавий муҳит билан боғлиқдир. Бу анъаналар оила орқали жамиятга тарқалиб, умуммиллий қадриятга айланган.

Бугунги глобаллашув шароитида Темурийлар оиласига хос анъаналар тўлиқ шаклда сақланиб қолмаган бўлса-да, уларнинг асосий мазмун-моҳияти замонавий жамиятда янгича кўринишда давом этмоқда. Илм-фанга интилиш, таълимни устувор қадрият сифатида кўриш, фарзанд тарбиясига жиддий ёндашиш ҳозирги ўзбек жамиятида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ҳаёт суръати, ахборот технологияларининг ривожига ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши оилавий анъаналарнинг трансформациясига олиб келмоқда. Агар Темурийлар даврида қатъий иерархия устувор бўлган бўлса, бугунги кунда оилада ўзаро мулоқот, ҳамжиҳатлик ва тенг ҳуқуқлилиқка асосланган муносабатлар кучаймоқда.

Темурийлар оиласининг тарихий анъаналари бугунги кунда миллий ўзликни англаш ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу меросни ўрганиш орқали ёш авлодда ватанпарварлик, тарихга ҳурмат ва миллий ғурур туйғулари шаклланади. Замонавий жамиятда бу анъаналарни танқидий ва ижодий ёндашув асосида қабул қилиш уларнинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар оиласининг тарихий анъаналари давлатчилик, илм-фан, маънавият, маданият ва тарбияга асосланган мустаҳкам қадриятлар тизимини ташкил этади. Ушбу анъаналар асрлар давомида шаклланиб, замонавий жамиятда янги мазмун ва шакл касб этган ҳолда ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Темурийлар меросини чуқур ўрганиш ва уни замон талабларига мос тарзда татбиқ этиш жамият тараққиёти ва маънавий юксалиш учун муҳим омил бўлиб қолаверади.



Адабиётлар рўйхати:

1. Амир Темур ва аёлга эҳтиром // https://mushohada.uz/index.php?option=com_k2&view=item&id=242:amir-tem-r-va-ajol-a-ehtirom&Itemid=138
2. Амир Темур ўғитлари – Тошкент, 1992. Б. 58.
3. Мавлонов Ў. Амир Темур ва темурийлар даври ренессансида таълим тизимининг тутган аҳамияти // <https://xs.uz/uzkr/post/amir-temur-va-temurijlar-davri-renessansida-talim-tizimining-tutgan-ahamiyati>
4. Амедов Б.А. Улуғбек. – Т.: Ёш гвардия, 1989. – 256 б.